



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚҮМОНДОНИНИНГ
БҮЙРУГИ

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг
энг кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ти Қонунининг 8-моддасига
мувофиқ **буюраман:**

- Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини
белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
- Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги, Транспорт вазирлиги,
Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.
- Мазкур буйруқ расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон



Djurayev R. M.

Тошкент ш.
2023 йил 19 август,
211-сон

Келишилди:



Рафиков К.М.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси

Тошкент ш.
2023 йил 25 июль,

Вазир



Musayev B. A.

Тошкент ш.
2023 йил 02 август,

Вазир



Shermatov Sh. X.

Тошкент ш.
2023 йил 05 август,

Вазир



Б.Курбанов

Тошкент ш.
2023 йил 25 июль,

Вазир



Mirzamahmudov J. T.

Тошкент ш.
2023 йил 27 июль,

Вазир



Maxkamov I. R.

Тошкент ш.
2023 йил 25 июль,

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмандонининг
2023 йил 19 августдаги
211-сон бўйруғига

ИЛОВА

**Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий
таркибининг энг қўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Мазкур Низом идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари (бундан ўта мухим ва тоифаланган обьектларни, шунингдек маҳсус юкларни қўриқлашда хизмат ўтайдиган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари мустасно) шахсий таркибининг энг қўп сонига бўлган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш – давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз обьектларини қўриқлаш бўйича маҳсус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури;

объект – қўриқлашга олинган юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг худудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки;

ўта мухим ва тоифаланган объект – ижтимоий-иктисодий ва стратегик аҳамиятта эга бўлган юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари ва иншоотлари;

маҳсус юклар – қурол-ярог, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, хавфли юклар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида муомалада бўлиши давлат назорати остида бўлган ашёлар;

пост – обьект ёки унинг бир қисмида хизмат ўташ учун белгилangan жой ёки худуд;

патруллик йўналиши – обьектни қўриқлаш мақсадида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибига белгилangan йўналишда хизмат ўташ учун ажратилган жой ёки худуд.

2. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг қўп сони обьектда ташкил этиладиган постлар сонидан ва унга ажратиладиган штат бирлиги сонидан келиб чиқади.

3. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг лавозимлари, тоифалари ва штат бирлиги мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

4. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг обьектларни қўриқлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш, хизматга тўғри таксимлаш ва назорат қилиш учун мазкур

Низомнинг 2-иловасига мувофиқ идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари гурухлари тузилади.

2-боб. Объектда ташкил этиладиган постлар сонини ва унга ажратиладиган штат бирлик сонини белгилаш

5. Постлар объектнинг қўйидаги худудларида ташкил этилади:

фуқаролар (транспортлар) учун мўлжалланган назорат-ўтказиш жойларида;

объект худудининг чегараси (периметри) бўйлаб унинг ички ёки ташқи қисмларида ёхуд унга яқин худудларда;

объектнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган муайян қисмида.

6. Назорат-ўтказиш жойларида битта пост қўйидаги асосларга кўра ташкил этилади:

ўртacha арифметик ҳисоб бўйича бир соатда объектнинг 400 тагача ходимлари назорат-ўтказиш жойидан кириб-чиққан тақдирда;

ўртacha арифметик ҳисоб бўйича бир соатда 20 тагача транспорт воситалари назорат-ўтказиш жойидан кириб-чиққан тақдирда.

7. Объект худудининг чегараси (периметри) бўйлаб унинг ички ёки ташқи қисмларида ёхуд унга яқин худудларда ҳар 500 метргача бўлган масофада битта пост ташкил этилади.

8. Объектнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган муайян қисмида, шунингдек объектнинг қўриниши чекланган худудларида (бурилиш ва нотекисликлар) мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган масофа инобатга олинмаган ҳолда битта пост ёки битта патруллик йўналиши ташкил этилади.

Бунда, патруллик йўналиши қўйидаги масофаларда ташкил этилади:

кундузи – 1000 метргача ва кечаси – 500 метргача;

қўриқлашнинг техник воситалари билан жиҳозланган объектларда кундузи – 2000 метргача ва кечаси – 1000 метргача.

9. Объектни қўриқлашда битта 24 соатлик пост учун 9 штат бирлик ажратилади.

3-боб. Якуний коида

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш
бўлинмалари шахсий таркибининг энг
кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги
низомга

1-ИЛОВА

**Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий
таркибининг лавозимлари, тоифалари ва штатлари**

РЎЙХАТИ

T/р	Лавозим номлари	Тоифаси	Штат сони
1.	Отряд бошлиғи	Катта бошлиқ	Ажратилган штат бирликлари сони 76 бирликдан ошганда киритилади.
2.	Отряд бошлиғи ўринбосари		
3.	Отряд бошлигининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси		
4.	Алоҳида команда ва отряд таркибидаги команда бошлиғи		Ажратилган штат бирликлари сони 16 бирликдан 75 бирликкача бўлганда киритилади.

5.	Отряд (команда) коровул итлари инструктори	Үрта бошлиқ	Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди (командаси) таркибидаги мавжуд 7 бирлик кинолог штат лавозимига 1 бирлик коровул итлари инструктори киритилади.
6.	Отряд (команда) старшинаси		Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди (командаси) иш ҳажми ва хизмат заруриятига мувофик 1 бирлик киритилади.
7.	Коровул бошлиғи		Ажратилган штат бирликлари 16 бирликдан ошганда кейинчалик ҳар 25 бирлик учун киритилади.
8.	Гурӯҳ бошлиғи	Кичик бошлиқ	Ажратилган штат бирликлари сони 6 бирликдан 15 бирликкача бўлганда киритилади.
9.	Рұксатномалар бюроси бошлиғи		3 бирлик рұксатномалар бюроси навбатчиси бўлганда киритилади.
10.	Рұксатномалар бюроси навбатчиси		Рұксатномалар бюроси ташкил этилган назорат-ўтказиш жойларидаги 3 бирлик рұксатномалар бюроси навбатчиси киритилади.
11.	Кинолог		Хизмат фаолиятида фойдаланилаётган ҳар бир коровул ити учун идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш штати ҳисобидан 1 бирлик киритилади.
12.	Назоратчи	Оддий таркиб	Қўриқлаш вақти ҳисобига мувофик киритилади.
13.	Ўқчи		Қўриқлаш вақти ҳисобига мувофик киритилади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга

2-ИЛОВА

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари гурухлари РЎЙХАТИ

Т/р	Гурухлар	Штат сони
1.	Гурӯҳ	1 — 15 бирлик
2.	3-гурух командаси	16 — 35 бирлик
3.	2-гурух командаси	36 — 50 бирлик
4.	1-гурух командаси	51 — 75 бирлик
5.	3-гурух отряди	76 — 200 бирлик
6.	2-гурух отряди	201 — 350 бирлик
7.	1-гурух отряди	351 бирлик ва ундан ортиқ